



## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭКОЛОГИК АТАМАЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ

**Буриев Умарбек Улугбек угли**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15167508>

**Аннотация.** Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек тилларида экологик атамаларнинг структурал-композицион хусусиятлари ва уларнинг лингвистик хусусиятлари экологик атамаларнинг нутқда тутган урни хақида мулоҳаза юритилади.

**Калит сузлар:** терминлар экологик атамалар структурал белгилар композицион хусусиятлар.

Маълумки, инсоннинг маънавий камолотга эришувида, жамиятнинг маданий-маърифий ривожиди она тилининг ўрни фавқулодда муҳимдир. Миллий маънавият, маърифат ва маданиятнинг энг холис ва ёрқин кўзгуси<sup>1</sup> сифатида тил (ўзбек тили) азалдан экологияга оид тушунчаларни қисқа, лўнда ва содда шаклларда ифодалаб келган. Улар ичида дамба, ёғин, исиш, кесиш, қирқиш, ковлаш, қуриш, қуритиш, сув, тутун, уруғ, ўтоқ, чанг, чўл каби туркий қатламга оид; боғ, бўрон, ишқор, кушанда, тоза сингари форсий; ифлос, мувозанат, мусаффо, муҳит, сел, табиат, ҳаво, хавф, ҳаёт, ҳарорат сингари арабий қатламга оид лексемалар учрайди ва уларнинг ҳар бирида «экология» семаси яширинган бўлади. Бу турдаги атамалар нафақат турли тиллардан олинган ўзлашмалар билангина эмас, уларнинг турли лексик қатламга оидлиги билан ҳам ажралиб туради. Аксарият ҳолларда экологик лексикага оид бўлган сўзлар бошқа соҳаларда ҳам айна ёнқи яқин лексик маънолари билан кенг қўлланилади. Экологик лексикага оид сўзларнинг ушбу жиҳатлари бошқа тилларга ҳам бирдек хосдир. Бунда кейини йиллардаги ижтимоий асослардан келиб чиққан ҳолда экологиянинг алоҳида фан соҳасига айлангани алоҳида ўрин тутди. Жумладан инглиз тилидаги экологик атамаларининг тараққиёти ва алоҳида лексик бирликлар сифатида ривожланиши шубҳасиз экологиянинг алоҳида фанга айлангани ва атамаларнинг функционал семантикасидаги хусусийлашиши, уларнинг тематик гуруҳларининг шаклланиши айнан фаннинг бошқа соҳалар билан узвий алоқаси асносида юзага келди.

Инглиз тилидаги экологик атамаларнинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва структурал-семантик жиҳатлари тадқиқи Р.Витгих, И. Дедю, И.Н.Пономарев, Б.Штрайт, Л.Трепл каби хорижий ва З.А.Джурабаева, Х.Д.Палуванова каби ўзбек олимлари изланишлари асосида амалга оширилди. Бунинг натижасида экологик атамаларнинг лисоний





хусусиятлари ва тараққиёти шубҳасиз қиёсий тадқиқотга шароит яратиш билан бир қаторда, глобаллашув жараёнида атамаларнинг тиллараро алоқаси тамойилларини ҳам таҳлил қилинди.

Олдинги бобларимизда айтиб ўтганимиздек экология алоҳида фан соҳаси сифатида пайдо бўлганига узоқ вақт бўлмаган бўлсада, соҳадаги атамалар умумистеъмолдаги сўзларнинг семантикасида торайиш ва хусусийлашиш содир бўлганлиги асносида ҳосил бўлган. Шунини алоҳида айтиб ўтиш жоизки экология билан боғлиқ сўзлар барча тилларда ҳам қадим замонлардан айна шу семантикада кенг қўлланилган. Жумладан ўзбек тилида “тўқай, қайир, дашт, чўл, қурғоқчилик” каби сўзлар қадим замонларданоқ Беруний, Навоий, Бобур каби алломалар асарларида айна соҳага оид маъноларда қўлланилган. Худди шундай ҳолат инглиз тилида ҳам кузатилиб, бу соҳадаги сўзларнинг пайдо бўлиши илк даври сифатида 7-19 асрлар давомида кундалик турмуш ҳўжалиги, табиат ҳодисалари, тирик организмларнинг номлари сифатидаги сўзлар тарзида шакллана бошлаган.

Буюк географик кашфиётлар, табиатнинг кенг миқийёсда илмий ўрганилиши ва Дарвизим, натурализм каби ижтимоий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши билан 19 асрдан кейин инглиз тилида экология соҳасида тубдан бурилиш ва кескин тараққиёт юзага келиши атамаларнинг тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Аммо бу даврдаги экологик атамаларнинг пайдо бўлишида латин ва грек тилларидан олинган сўзлар негизига қурилган бўлиб, кўп ҳолларда инглиз тилининг лексик жиҳатларини акс эттирсада, негиздаги ўзлашма бирликлар яққол сезилади. Айна шу даврда инглиз тилида биология, зоология ва бошқа фанлар негизидан алоҳида экология билан шуғулланувчи соҳалар пайдо бўлиб, фанда есо ва bio ўзакли атамалар, ecology - экология, ecosystem – экотизим, biometry - биометрия, biocenosis – биоценоз каби янги концептлар ҳам шакллана бошлади.

Экологик атамаларнинг кейинги тараққиётида умумий лексикага хос бўлмаган алоҳида номинациялар ҳам пайдо бўлиб, улар шубҳасиз тилнинг ички тузилиши қонуниятлари ва деривациялари асносида шаклланди. Шу сабабли экологик атамаларнинг шаклланишида турли тиллардаги деривацион тамойилларни таҳлил қилиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Экологик атамаларнинг структурал-семантик жиҳатларини таҳлили қиладиган бўлсак уларнинг структураси содда, ясама ва кўп компонентли атамаларга ажратилганлигини кўрамиз. Тадқиқотларимиз давомида





Британия Миллий корпуси(BNC-British National Corpus) орқали инглиз тилида кенг фойдаланиладиган ва луғатларда кўрсатилган 2000 ортиқ экологик атамаларни таҳлил қилдик. Уларнинг лисоний жиҳатларини ўрганиш жараёнида структурал хусусиятлари қуйидаги турлардан иборат эканлигини аниқладик.

1-жадвал

	Миқдори	%
Содда атамалар	356	17,74
Деривацион атамалар	77	3,84
Мураккаб компонентли атамалар	1531	76,28
Қисқартмалар	43	2,14
Жами	2007	100

Турли тизимларга мансуб тиллардаги эколексиканинг тадқиқ этилиши шуни ҳам кўрсатдики, ундаги турли лексик-семантик гуруҳларга мансуб экосўзларнинг асосий маъносига қўшимча яна коннотатив эмоционал баҳолаш маънолари ҳам қўшилиши аниқланди. Буни экосўз ва экотерминлар ифодаладиган тушунчалар инсоннинг табиат, атроф-муҳитга нисбатан салбий ёки ижобий таъсири натижаси деб изоҳлаш мумкин. Шунга кўра эколексика икки катта лексик семантик гуруҳга (ЛСГ) га бўлинади:

- 1) ижобий маънога эга экологик бирликлар;
- 2) салбий маънога эга экологик бирликлар.

Биринчи гуруҳдаги эколексика, ўз навбатида қуйидаги микрогуруҳларга ажратилади:

- а) ижобий маънога эга феъллар; б) табиий географик номлар; в) ҳайвонот ва ўсимлик дунёси терминлари; г) техника ва воситалар ифодаловчи экотерминлар; д) ишчи ходимлар номлари;

Иккинчи гуруҳга мансуб эколексемалар қуйидаги микрогуруҳлардан ташкил топган:

- а) салбийлик маъносини англатувчи феъллар; б) экологик ҳалокатлар; в) ифосликни келтириб чиқарувчилар номлари; г) инсон фаолиятини англатувчи экосўзлар.





**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли // Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси XI сессиясидаги маърузаси. —Мулқдор газетаси||. – Тошкент, 2003йил 25 апрель. – Б.4.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: 1995. – 55 Б.
3. Абдуазизов А.А. Тилшуносликка кириш. – 2 -қисм. Лексикология ва семасиология. Грамматика. – Тошкент, 1999– 10 Б.
4. Авербух. К.Я. Стандартизация терминологии: некоторые итоги и перспективы (к 50-летию деятельности по стандартизации терминологии // Науч.-техн. информация, Сер. 1. – № 3. – С. 81.
5. Акимова Т.А., Хаскин В.В. Экология. Человек – Экономика — Биота — Среда. – Москва.: ЮНИТИ - ДАНА, 2000. – 27 с.
6. Антонова М.В, Лейчик В.М. Роль концептуальной структуры в формировании отраслевой терминологии // Термины и их функционирование. – Москва., 1987. – С. 42-49.
7. Безносков В.Н., Горюнова СВ. Многоязычный словарь основных терминов по экологии. На русском, английском, немецком, французском и испанском языках. – Москва.: РУДН, 1995. – 128 С.
8. Бобурнома. Т., 1989; Китоб – уз –закот. – Тошкент., – 1993;
9. Бродский. А.К. Краткий курс общей экологии.: Учебн.пособие. – Спб:ДЕАН, 1999. -224 с
10. Верегитина И.В. Терминология системного комплекса научных экологических знаний: деривационно-семантический аспект. Автореф. дис. ... канд. филол. наук . – Москва, 2006. – 26 с.;

